Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 33 (66008) 1997 йил, 30 апрель, чоршанба | Сотувда эркин нархда

Соғ юрак— тоғ юрак

У — РОНАЛЬДО ЭМАСУ, ЛЕКИН...

Танишинг: тенгдошингиз Жасурбек Асадов — бўлажак футбол юлдузи. «Ўзбекистон республикаси ўсмир болалар спорт мактаби» қошидаги «Пахтакор — I» терма жамоасининг моҳир ҳужумчиси. «Пахтакор —79» хотира турнири совриндори.

— Жасурбек, футболга қачондан бери қизиқасан?

— Боғча ёшидан, 2-синфдалигимда мени футбол клубига олиб боришди. Шу-шу футбол менинг севимли машғулотим.

— Илк устозинг?

— Илк устозим... менга қарши жамоада ўйнаган ўртоқларим бўлган. Мен улар йўл қўйган хатолардан керакли хулоса чиқарар эдим. Футболнинг сирларини тренеримиз Валерий Барадовский ўргатди. Мактабдаги тренеримиз Ўрмон Турсуновнинг ҳар бир дарси менга олам- олам сабоқ бермоқда.

— Қачондан бери мусобақаларда қатнашасан?

— 1994 йили, 7-синфдалигимдан бери.

— Қандай беллашувларда қатнашдинг?

— 1994 йили Самарқандда ўсмирлар биринчилигида ғолибликни қўлга киритдим. Шундан бери Фарғона, Бишкек, Олма-ота, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида бўлган футбол мусобақаларида, шунингдек, «Пахтакор-79» хотира турнирида иштирок этдим.

— Минскнинг олимпия жамоаси устидан 4:1 ҳисобида ғалаба қозонганмиз.

— Сенда унутилмас таассурот қолдирган ўйин ҳақида сўзлаб берсанг.

— Энг эсда қоларли ўйин Москва шаҳрида бўлган. Ўша мусобақада «Иркутск», «Московская область», «КамАЗ» каби кўплаб жамоаларни жангда енгиб чиққанмиз. Москваликлар билан финалда куч синашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаганмиз.

—Матч олдидан нималарни ўйлайсан?



— Ғалаба қозонишни.

— Ғалаба қозониш осон эмасдир?

— Сираям осон эмас. Санкт-Петербургдаги ўйинда ғалаба қозониш жуда қийин бўлди.

— Футболдан бошқа яна нималарга қизиқасан?

— Инглиз тилини ўрганаман. Ғарб мусиқасини тинглашни ёқтираман.

— Нимани ёқтирмайсан?

— Алдовчи, ваъдабозларни ёмон кўраман.

— Ия, футбол оёқ билан алдаш санъати эмасми? Ўзинг бу санъат етакчисисан.

— Мен тил билан алдовчиларни ёмон кўраман, — хўмрайди у.

— Ким сени бунча хафа қилди-а?

— Анави соврин...

— Қандай соврин?

— Опа, дардимни янгилаяпсиз. Яқинда Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан туман умумтаълим мактаблари аро футбол мусобақаси уюштирилди. 35 та мактаб жамоалари қатнашди. 21 март куни финал ўйин бўлди. Унда 243 - мактабнинг «Омад» ва 298- мактабнинг «Ғунча» командалари ўзаро куч синашдилар. Ўйин ниҳоятда жонли, ҳаяжонли ўтди. Биз, яъни «Омад» жамоаси 4:0 ҳисобида ғалаба қозондик. Бош соврин — Кубок менга берилди. Аммо ғолибларга ваъда этилган 20 минг сўм ҳақида лом-мим дейилмади. Қани ўша соврин? Нега бизни алдашди-а?

Биз туман халқ таълими бўлими услубчиси Шавкат Исроиловга мурожаат қилдик.

— Бу гап рост, — деди у. —Болалар жуда ранжишди, аммо бизда маблағ йўқ, ҳомий йўқ...

Жасурбекни яна саволга тутдик.

— Келажакда ким бўлмоқчисан?

— Иложи борича, Рональдодек машҳур тўпурар, камида Дилмурод Назаровдек ўйинчи бўлмоқчиман...

— Ниятингга ет, Жасурбек, дедигу бизни у— Рональдо эмас, бошқа саволлар қийнамоқда эди...

Суҳбатдош Дилрабо ДАВЛАТОВА.

Алпомиш авлодлари

БОЛАЛАР КАТТАЛАРНИ АЛДАШДИ

Қандай қилиб дейсизми? Дейсиз, албатта. Дабдурустдан, мана мундай қилиб... деёлмайман. Негаки, сизни «қаерда?» — саволи кўпам қизиқтирмаётганини сезяпман. Қандай қилиб алдашганини айтсангиз бўлди, ўрганиб олиб, ўзимиз қаерда бўлса ҳам ўша «усулни» ишлатиб кетаверамиз, демоқчисиз-да? Анойини топибсиз! Катталар «алдагани бола яхши» деб ҳисоблашади ва ...тез-тез сўзларининг устидан ҳам чиқишади. Лекин мен... Ҳаҳ, айтсам айта қолай. Яқинда Қирғизистонда бўлиб ўтган халқаро футбол мусобақасида болалар — Ўзбекистон ўсмирлар терма футбол командаси катталарни футбол майдонида ҳар хил комбинациялар билан алдаб-алдаб.. фахрли 2-ўринни эгаллашди.

СТАДИОНДАН— ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГАЧА

Албатта, йўл олис. Аммо кеча бу йўл бирмунча қисқарди. Яъни, ҳарбий футболчиларимиз Корея ҳарбий футболчилари устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. МҲСК стадионида ўтказилган ҳарбий футбол терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионати саралаш босқичларидаги илк ўйин бўлди.

Эндиги учрашув иккинчи майда Сеулда бўлади. Ўшанда ютган командага йўл очилади. Ғолиб июнь ойида Эронда ўтказиладиган финалга йўлланма олади.

Ҳафтанинг уч куни

СЕССИЯ ТУГАДИ

Тошкентда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Икки кун давом этган бу анжуманда мамлакатимиз ҳаётига доир қонунлар муҳокама этилиб, қабул қилинди. Бу қонунларнинг кучга кириши мамлакатимизнинг эртанги кун ворислари бўлмиш Сиз болажонларнинг ҳаётингиз фаровон, йўлингиз нурафшон бўлиши демакдир.

ЙЎЛ ҚУРИЛСА...

Ҳаво йўли, сув йўли, темир йўл, автомобиль йўли... Бунинг нима эканини жуда яхши тушунасиз. Агар ана шундай йўллар бўлмаса, биз ташқи дунё билан боғлана олмасдик. Шу боис, республикамизда Андижон — Ўш — Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлининг қайта қурилиши масалаларига бағишланган Халқаро анжуман бўлиб ўтгани жуда аҳамиятлидир. Унда жаҳондаги йигирмага яқин мамлакат вакиллари, ўндан ортиқ халқаро ва молия ташкилотларининг мутахассислари иштирок этишди.

XXI АСРДА АҲОЛИ ҚАНЧА БЎЛАДИ?

Франциядаги Демографик тадқиқотлар институтининг изланишлари Ер аҳолисининг 2100 йилга бориб II миллиардга етишини кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, 2000 йили Ер аҳолисининг 61 фоизи осиёликлар, 8 фоизи лотин американликлар, 13 фоизи африка ва II фоизи европаликлардан иборат бўлади. Янаги асрда жаҳон марказининг Осиёга кучиши кутилмоқда, аҳоли энг зич жойлашган ерлар ҳам Осиёга тўғри келади.

Соғлом авлод бўлар, гулгун чеҳраси,
Келажаги буюк юртнинг меваси.
Ҳар бири ибратли уринбосарлар,
Илму фан қўкида биздан ўзарлар!

Суратқаш К.КАЗБЎЛАТОВ.

БИЗ БИР КИТОБ ЎҚИДИК...

Мактабимизда Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов ва Нарзулла Жўраевлар муаллифлик қилган «Ватан туйғуси» китоби асосида «Ватанга муносиб фарзанд бўлайлик» мавзусида семинар-конференция бўлиб ўтди. Тайёргарлик жараёнида синфларда очиқ дарслар, эрталикларда ва суҳбатлар ўтказилди. «Миллий қадриятларни эъзозлаш — авлодлар бурчи» деб номланган қўргазмада меҳнат дарсларида ўзимиз тиккан миллий либослар, бешик анжомлари, рўзғорда ишлатиладиган ҳар хил буюмлар бор эди. Географ ўқитувчимиз Тожихон опа Гулмирзаева бошчилик қилаётган «Улкашунослик» музейининг нодир топилмалари меҳмонларга айниқса қизиқ туюлди.

Меҳмонлар миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллатимизнинг минг йиллик тарихи ниҳоятда тушунарли ларини хоҳлардик.

Диёра ва Зилола БОЗОРОВА,
Тошкент шаҳридаги 241-мактабнинг 4- ва 8- синф ўқувчилари.

СИЗГА БИР СИР АЙТАМАН

Мен китоб ўқишни жуда яхши кўраман. Туғилган кунимда дадам «Чалпак еққан кун» деган ўзбек халқ эртаклари китобини, ойим эса Шарль Перронинг «Эртаклар тўплами»ни совға қилдилар.

Укам иккаламиз келишиб, биргаликда уйда ўз шахсий кутубхонамизни ташкил қилмоқчи эдик. Ҳозирча тўплаган китобларимизнинг сони 30 тадан ошиб қолди. Бундан синф раҳбаримиз Сайёра опамлар ҳам роса хурсанд бўлдилар ва шахсий кутубхонамизга ўн дона китоб бердилар. Шундай қилиб, кутубхонамиз кундан-кунга бойиб бормоқда.

Яқинда синфимизда «Ватан нима?» мавзусида суҳбат бўлиб ўтди. Ҳамма бу саволга ўзи билганча жавоб берди. Кимдир «Ватан — бу, менинг онам», яна кимдир «Ватан— бу, уйимиз», яна бири «Ватан — менинг бобомнинг боғи» қабилида фикр билдирди.

дарслар асосида ёритилган китоб ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мустақиллик, Ватан, она юрт тўғрисида Нодира Газиева, Жасур Ибрагимов, Шоҳиста Ҳамроева, Акбар Турсунбоев, Феруза Шамсуддинова, Азиз Аминжонов каби ўқувчилар шеър, қўшиқ ва ажойиб саҳна кўринишлари ижро этишди. Кеча охирида «Ватан туйғуси» китоби муаллифларидан бири ёзувчи Нарзулла Жураев бизнинг барча саволларимизга жавоб бердилар.

Ватан остонадан бошланади. Зеро шундай экан, биз республикамиздаги барча тенгдошларимизни «Ватан туйғуси» китобини ўқиб-ўрганиш-

мактабимиз рупарасидаги қурилиши тугай деб қолган янги мактаб биносини курсатиб, «болалар, бу йил, худо хоҳласа, мактабнинг мана шу янги биносида мазза қилиб ўқиймиз», дегандилар. Ушандан кейин ҳам икки йил ўтди. Лекин ҳали ҳам мактабимизнинг қурилиши биттани йўқ.

Шуни ўйласам роса хафа бўлиб кетаман-да! Чунки қўшни мактабдаги дугоналаримнинг янги бинода, компьютерлар билан жиҳозланган чиройли синф хоналарида ўқишини кўриб, уларга жуда ҳавасим келади. Қанийди, бизнинг янги мактабимиз тезроқ қуриб битказилса-ю, биз ҳам ўртоқларимизга ўхшаб компьютерлаштирилган чиройли синфларда ўқисак, роса зўр бўларди-да.

Гулноза МАҚСУДОВА,
Тошкент районидаги 25-мактаб ўқувчиси.

ТЎРТ ФАСЛДА ҲАМ ҒАРҚ ПИШГАН МЕВА

Мен ҳали мактабга бормай туриб, ҳарфларни қўшиб ўқишни урганган эдим. Бунга меҳрибон аяжонимнинг менинг қизиқишларим, талпинишларимга бўлган эътиборлари боис эришганман.

Кун ўтган сайин, ойлар, йиллар ўтган сайин, Ватанни янада чуқурроқ суйганим каби, буюк не-не алломалар сўзлашган она тилимга бўлган эътиқодим ва меҳрим ҳам юксалиб боряпти. Инсон гўдаклигида илк бор қайси тилда алла эшитса, бу тил меҳри унинг юрагида пайдо бўлади.

Узбек тили ва адабиёти фанини жуда яхши кураман. Чунки бу фан орқали менга маънавиятимиз, қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз ҳақида кўп нарсаларни билиб оламан.

Тилни шажаримиз, номусимиз, номимизни белгилайдиган улкан бир дарахтга қиёс этгим келади. Сўз эса ўша дарахтнинг ҳар тўрт фаслда ҳам ғарқ пишган меваларидир. Тил аталмиш ўша улкан дарахтнинг ҳаргиз завол билмас илдизи эса юракдадир. Балки шу сабабдандир, она тили боғчада, мактабда, дорилфунунларда, кўча-кўйларда эмас, она деган зотнинг энг ёруг ёдида, тилагида бино булади. Балки шу сабабдандир, тилнинг шаффоф ёдига ҳарнечук разолат юқмаслиги учун фақат рост гапирамиз.

Она сўзи қанчалик қадимий ва буюк бўлса, тил ҳам шунчалик қадимий ва муқаддасдир. Биз бу тил орқали ўтмиш ингроқларини, аждодларимизнинг армонларини ва келажакнинг ёруг садоларини тингладик ва тингламоқдамиз:

Дилдора ОТАЖОНОВА,
Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 9-ўрта мактаб ўқувчиси.

Ватан нима? — Ватан— менинг уйим, ватан менинг кўчам, маҳаллам ва ниҳоят жаннатмакон, ҳур ўлкам — Ўзбекистоним!

Азиз тенгдошлар, келинг шу савол билан жажжи болакайларга мурожаат этсак.

Бехрўза 5 ёш: Ватан —боғчам, боғча опам, синглим...

Лазизжон 6 ёш : Ватан — бу ойлим, адам, укам, бувим, бувам ва уйим. Уларни мен жуда яхши кўраман.

Мана, соф, самимий Ватан тушунчаси бу жажжи юракларнинг!

Дилафрўз РАҲИМОВА,
Тошкентдаги Нафис санъат мактаби ўқувчиси.

Ватан Кўнгил Қаъбаси

Туркийлар тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳикматлари узоқ яшайди.

Маҳмуд Қошғарий

Замон замон бўптики, сен ўз элингда борсан, ҳаётнинг ташвишу таҳликаларига тайёрсан, халқим. Аммо не бир номлар, не бир сўзлар билан атамадилар сени. Тарихингни кимлар ёзмади, кимларга муте бўлмадинг?! Шундай бўлса-да, доимо ўз бахтинг ва тахтингни қўйлаб келдинг. Бу қўйлар оғзаки, ёзма ва бошқа йўллар билан аждодлардан авлодларга ўтиб келди. Достонларнинг илк намуналари ёзма равишда бизгача Урхун Энасой тошбитикларида етиб келган. Ёзма адабиётимизнинг достонлар шакли бешинчи ва еттинчи асрларни қоралар экан, оғзаки адабиётимизнинг тарихи ҳали очилиши керак.

Болажонлар, бу сиз ва бизга керак, улар сизнинг келажагингиз, ҳатто, болажак болаларингизнинг болалари келажаги. Шуларни ҳисобга олиб, ўтмиш адабиётимиздан бир шингил сўз айтиб, достонларимиз ҳақида ҳикоя сўзлаб бермоқчиман.

Одамзоднинг илк сўзи оғзаки булган ва шу шаклда бизга етиб келган. Бу сўзлар ҳар даврда ҳар кимнинг руҳиятини, ўша давр инсонларининг кайфиятларини, халқнинг ўтмишини баён қилиб келажак орзуларини баъзан очиқ, баъзан сирли, яширин ҳолатда ҳикоя қилиб келган. Бу ривоят, ҳикояларни айтиб, қўйлаб юрган кишиларни ҳам ҳар даврда ҳар хил номлар билан атаб келишган. Улардан кўпларининг номлари бизларга етиб келмаган. Аммо етиб келганларини ҳам унутмасликнинг ўзи бир катта маҳорат ва матонат бўлган пайтлар ҳам бўлган. Асрлар қатидан бизгача ими етиб келган баёнчиларимиздан бири Йўллиғ Тегиндир. Биз энг замондош, достончи шоиримиз Фозил Йўлдош ва бошқаларни ҳурмат билан тилга оламиз, аммо кўпчилик мутахассисларимиз ҳам, Йўллиғ Тегинни эслайвермайдилар. Ҳа, бу тарих сўзи. Сиз авлодлар буни унутмаслик даврига етиб келдиларингиз. Абадиятга йўл кўпинча адабиётда очилган бўлади. Буни унутманг. Тарихий битигимиз 5-7 асрларда Урхун Энасой тошбитикларида биринчи бор ёзма равишда Қул Тегин, Билки Ҳоқон, Тунюқук, Бумин, Истамин ва бошқаларнинг тақдирини баён қилишларида намоён бўлган. Тарихини достонларида битган биз туркийлар ўта қадим замонлардан буён дунё халқлари билан бир қаторда туриб ўз тақдиримизни ҳимоя қилиб келмоқдамиз ва ўз тақдиримизни етук сўзлар билан тарих қатларига ёзиб қолдириб ҳам келяпмиз. *«Ўтган замонда Чамбил ўлкасида Магаради отли давлатманд хон бор эди».* Кўраяпсизми, хон бор эди. У давлат тузган эди. Бу бизнинг давлатчилигимиздан дарак эмасми, 5-7 асрларда битилган бу сўзлар достон латифа деб қаралгани билан бизнинг тарихимиз эмасми?!

Достонларга келсак, улар бизда қачон пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Билишнинг иложи ҳам йўқ. Чунки, Авесто достонлари битилганда, ҳали Илиада муаллифи дунёга келмаган эди. Умуман, тарих тўғрисида тортишмаслик керак, Битик ва ёдноманларни кўрсатиб қўйинг-у, тортишиб ўтирманг. Алп Эр Тўнга, Тунюқук, Бумин, Истаминларнинг тарихлари бизга достонлар шаклида етиб келган экан. Уларни эъзозлашни унутмасак бўлгани. Кейинги достонлар-

ДОСТОНЛАРДА БИТИЛГАН ТАРИХ

миз ўн бир асрларни қоралаб қолади. Булар ҳақида бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарий кўп ибратли сўзлар айтиб кетганлар.

Ҳа, тарихни билиш керак. Уни билмаслик кўп хатоларга олиб келади. Сиз, болалар, «Синдбод мореход» киносини кўргансизу, «Синдбоднома»ни ким ёзганини билмасангиз керак. Ҳа, ўша сиз телевизорларда мириқиб томоша қилган Синдбод ҳақидаги достон ҳам бобокалонингиз Заҳири Самарқандий қаламига мансуб. Бу бобомиз XII асрда Самарқандда яшаб, бизлар учун айнан мана шу асарни ёзиб кетган. Аммо бу асар ҳам гарбийлар, ҳатто америкаликлар ёрдамида сиз ва бизга қайтадан етиб келяпти. Сиз билан биз ҳали қайтадан ўқиб ва ўқиб етмаган китобларимиз жуда кўп. Жумладан, Дақиқийнинг «Бахтиёрнома»си ҳам шулар қаторига киради. Ўқиб, мириқиб дам олсангиз булади. Умид қиламиз, балким бирор киночи акаларингиз уни ҳам гарбликлардай мультфильм қилиб қолар. Тутиларни болалар жуда яхши кўришади. Балки Нахшабийнинг XIII асрда кўчирилган «Тутинома» си қайси бир киночи акаларингизни қизиқтириб қолар. Бундай асарлар бизнинг адабий тарихимизда жуда ҳам кўп.

РОСТГЎЙ БОЛА.

ЎЗИМНИ СЕНДА КЎРИШНИ ИСТАЙМАН, «ТОНГ ЮЛДУЗИ»

Мен кўпдан бери мақола ва ҳикоялар ёзишни орзу қилиб юраман. Лекин менда журналистлик маҳорати етишмайди. Шунинг учун ёзаётган хабаримни сенга юборишга иккиланиб турибман. Кўпчилик хонадонларимиз қатори менинг оиламда ҳам қўлма-қўл бўлиб кетасан. Ушандай лаҳзаларда менинг ҳам мақолам газета саҳифаларида ёритилиб қолишини жуда-жуда истаб қоламан.

Мана, ҳозир баҳор фасли. Еру кук яшил либосини кўз-кўз қилиб, даларларга сепини ёйган бу палла. Одамлар қалбига яшил ранг

яшариш уруғларини сочаётган онларда бизнинг қишлоғимизда ҳам Навруз тантаналари бўлиб ўтди. Ҳеч қайси элникига ўхшамаган қишлоғимиз янада гўзаллашди. Дошқозонлар тулиб сумалаклар қайнади. Қайнони бувижонларимиз дуога қўл очиб юртимизга тинчлик, фаровонлик тилаганларида эса юрагим кувончдан энтикди. Мактабимизнинг тил ва адабиет ўқитувчиси Раҳима опа Қурбонова дошқозон атрофида сумалакнинг пишишини интсумалак ва унинг келиб чиқиш тарихи ҳақида гапириб, келгуси ўқиш ва ишларимизга улкан ютуқлар тиладилар. Байрамга қишлоғимиз раҳбарлари билан биргаликда ўзимиздан чиққан қўшиқчи, қўпчилик ҳамюртларимиз севиб тинглайдиган Шавкат ака Орзиқулов ҳам иштирок этдилар. Улар барчага шодлик улашдилар.

Хуррият ОЛИМХЎЖАЕВА,
Чуст тумани, Олмос қишлоғидаги 21-ўрта мактабнинг 5-синф

Ҳожи бобо ўгити

Азиз фарзандларим, яхши билингки, барча мусулмонлар бир—бирларига оға—ини, ота—бола каби яқиндирлар. Сиз, энг аввало, яхши хулқли бўлишингиз керак. Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) энг гўзал хулқ эгаси бўлганлар, ҳеч кимни сўкмаганлар, қарғамаганлар.

ИККИ ДУНЁДА ЭҲТИРОМЛИ БЎЛИНГ

Яхши хулқ оиладан бошланади. Ота—онани ҳурмат қилиш, айтганларини бажариш, қўни—қўшниларни, тенгдошларни, устоз—домлаларни эъзозлаш ёшлар маънавиятига гўзаллик бахш этадиган фазилатлардир.

Дўстларнинг камчилигини бетга солмаслик, хатоларини кечириш, ўзаро ёрдамлашиш икки дунёда азиз инсонлар бўлиб етишувингиз учун сув ва ҳаводай зарур...

Абдуфаттоҳ НАБИХЎЖАЕВ.

Ватан ҳар бир инсон туғилиб ўсган уй остонасидан бошланади. Йиллар ўтгани сайин бу остона унинг кўнгил каъбасига айланади.

Менинг ҳам ўз кўнгил каъбам — азиз Бухором бор. Менга бу шаҳарнинг ҳар бир қарич ери жондай азиз. Шунинг учун бўлса керак, унинг тарихига жуда-жуда қизиқаман. Шу қизиқишларим туфайли она Бухоромнинг тарихига дахлдор кўп нарсаларни ўргандим.

Бухоролик буюк тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида ёзилишича, Бухоро сўзи суғд тилидан олинган бўлиб, «Буғ»— тангри, худо, «Аро» — безак, сайқал деган маъноларни билдиради.Демак, Бухоро—тангри жамоли, ёки худо нигоҳи тушган юрт демакдир.

Бизнинг шаҳримизда бутун дунёга кўз-кўз қилса арзигулик тарихий обидалар ниҳоятда кўп. Айниқса, Исмоил Сомоний мақбараси, Ситораи Моҳи Хоса ва Лаби Ҳовуз ансамбллари, Арк, Минораи Калон, Чор Бакир, Қўш масжид меъморий ёдгорликлари ҳамон юксак жозиба билан сайёҳларни ўз бағрига чорлаб турибди.

Бизнинг шаҳримизни Бухорои Шариф дейишади. Нақл қилишларича, қайсики шаҳарда 100 дан ортиқ авлиё ва шайхлар яшаб ўтган, ислом дини кучли тараққий этган бўлса, ўша шаҳарни ислом оламида шариф, яъники, муқаддас шаҳар деб аташаркан. Ер юзида 7 та муътабар шаҳар бўлиб, булар: Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Қуддуси Шариф, Бағдоди Шариф, Шоми Шариф, Мозори Шариф ва Бухорои Шарифдир.

АЗИЗ БУХОРОМ БОР

Ҳақиқатан ҳам, Бухоронинг ҳар бир қарич тупроғи табаррукдир. Чунки шаҳримизда Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Исмоил Бухорий, Мир Кулол, Хожа Ориф Ар-Ревгарий Моҳитобон, Хожа Исмат Вали каби шайху кабирлар ўтган. Собиқ Иттифоқ даврида тарихий обидаларимиз эътибордан четда қолиб, баъзилари бузилиб, гиштлари ташиб кетилди. Ўтмишдан афсоналар сўзлагувчи обидаларимиз оёқ ости қилинди.

Истиқлол туфайли биз орзиқиб кутган кунлар келди. Бугун қайта таъмирланаётган, кундан-кунга чирой очаётган она Бухорони кўриб кўзларим яшнаб кетади. Дилим ғексиз ғурур ва ифтихор ҳисларига тўлади, зеро, мен шу тупроқ фарзандиман.

Осмонга бўй чўзган
чинорлар айтди
Бу қадим тупроқнинг
полаларини.
Илк бор «Бухоро» деб
тили чиқади
Бу заминнинг эрка
болаларини.
Ҳамон лайлак кутиб
яшар минорлар,
Тунлар кўҳна Аркдан
келар бир садо:
Не-не авлиёлар туш
кўриб ётган
Бухорои шариф, она Бухоро...

Юлдуз РАЖАБОВА,
Бухоро вилояти, Бухоро тумани 3-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Ҳўрозим бор, ҳўрозим,
Думлари гажак-тароқ.
Тонгда уйғотиб доим
Кечгача менга ҳамроҳ.

Хоразмлик тенгдошингиз, Абдулла Кодирий номли мактаб ўқувчиси Ҳамро Маматов ўзи тасвирга туширган суратни

(Интермедия)

(4-синф хонаси. Она тили дарси)

Ўқитувчи: — Ваҳобжон: уй вазифасини бажардингми?

Ваҳобжон: (Хурсанд бўлиб) —Бажардим, дафтаримни кўрсатайми?

Ўқитувчи: — Қани олиб келчи. Э, яша ўғлим!

Ваҳобжон: (Шошилиб) —Кеча ёздим. Ўзим ёздим. Бобом ҳам, момом ҳам кўрди.

Ўқитувчи: (дафтарни очиб қаради) — Тўхта, тўхта, машқни ўзинг ёздингми?

Ваҳобжон: (кўзини олиб қочиб) — Ўзим ёздим.

Ўқитувчи: (таажжубланиб) —«Салим» сўзининг ҳам, «кўчат» сўзининг ҳам ёзилиши бошқа-бошқа, «ўтқазди» сўзини ўзинг ёзибсан. Сенинг ёзувингни яхши танийман. Хўп яхши, қани айт-чи, ёзган гапинг қанақа гап? Дарак гапми ё сўроқ гап?

Ваҳобжон: — Ҳашар гап.

Ўқитувчи: — Йе, шунақа гап ҳам бўладими?

Ваҳобжон: — Бўлади, биринчи сўзни бобом, иккинчисини момом, учинчисини ўзим ҳашар қилиб ёздик-да.

Ўқитувчи: — Бўлмаса сизларга «3»баҳо. Уччаловингиз бўлишиб оларсиз. Ҳашарчиларга салом айт!

Вали АҲМАДЖОН.

УЙҚУДАГИ ҚУРИЛИШ

Қишлоғимизнинг асл номи Дўлана, аммо одамлар уни осонгина «Дўлан» деб аташади. Шундай ажойиб номдаги қишлоғимизга доғ бўлиб ётган бир қурилиш бор, бу — бизнинг янги мактабимиз. Икки қаватли мактаб қурилиши бошланганига ўн йилдан ошди. Шу орада ўнта ўнинчи синфни битирганлар янги бинода ўқиш орзусида юриб, орзуларига эриша олмадилар. Мана ҳозир бизлар ҳам вақтинчалик синфхоналарда бир амаллаб ўқияпмиз. Аммо бир кўзимиз янги мактаб қурилишида. Бу қурилиш ярим-ёрти ҳолича ётибди. Шаҳрихон тумани ҳокимлигидаги мактаб қурилишига бош-қош бўладиган амакилар ухлаб қолишганми, билмадик. Мактабимиз қурилиши ҳам кўп йилдан бери уйқуда. Азиз Зирапча! Сендан илтимос, иложи бўлса бир челак совуқ сув келтириб, уйқудаги қурувчи акаларимизнинг бошларига сочиб юбор, зора улар кўзларини очишса. Шунда мактабимиз қурилиши ҳам тезроқ поёнига етарди.

Хушнуд КАРИМОВ,
Андижон вилояти,
Шаҳрихон туманидаги
Иброҳим Ҳикматов номли
мактаб ўқувчиси.

Мактублар кутиси

Қўшиқларга тушуна олмаяпман

Таниқли хонандалар экран орқали куйлаганда диққат билан тинглайману баъзан бир сўзни йигирма марта такрорлаб айтганликлари туфайли, тушуна олмай қоламан. Кейин ўзимчалик улар айтган байтларни шарҳлашга киришаман. Мана, айримларини ўқиб кўринг.

ЮЛДУЗ УСМОНОВА дастуридан:

«Дўстга ёр бўлган куним дўст
мени зор айлади,
Дўст деганим кўп мени зор
айлаб хор айлади».

Ҳақ гап! Мактабимиздаги «Қалампир» деворий газетасида мен тўғримда ёзилган мақолани ўқиб хўрлигим келди. Ахир аълочилар ишлаган ҳисобини кучиртирмаса, мактаб формам бўлмаса, буфетимизда музқаймоқ сотилмаса, мультфильмдагидек қайғурадиган дўстинг «Василий» бўлмаса одам хор бўлади-да!

ҒИЁС БОЙТОЕВ дастуридан:

«Эй юзлари оппоқ ойим,
Сочингга мунчоқ тақойин!»

Ғиёс ака! Ўтган куни денг, синфдошим Гуландомнинг туғилган куни сиз куйлаган қўшиқни айтиб, «Қулоғингга сирга тақойин!» десам, қулоғим тагида тарсакидан шавла қайнади. Яхшиям қўшиғингизнинг ҳаммасини айтмадим, айтганимда борми эҳтимол бўтқа ҳам ердим.

ДОНИЁР ТОШМУҲАМЕДОВ дастуридан:

«Йўқдир менинг ўзга ёр билан
ишим,
Ўзингдирсан менинг тилло
кишмишим!»

Синфда энг охирги партада ўтирганим боис, ҳамма қизларнинг рангу руйига тикилиб кўрдим. Ҳеч бири кишмишга ўхшамайди. Биология ўқитувчимизнинг таърифлашича, кишмиш уруғсиз, сариқ ё қора рангдаги узум тури экан. Балким, ўша қўшиқни ёзган «тилла бўғирсоғим!» деса қизларнинг бирортасига ўхшармиди?

Зумрашанинг хатини оққа кўчирувчи: Мухтор БЕК.

«УЯТГА ҚОЛМАЙМИЗ»

Газетамизнинг 1997йил, апрел №29 сонида «Ваъда вафоси билан» сарлавҳаси остида берилган мақолада обуна ҳақида маълумот берилганди. Шундан сўнг, таҳририятимизга Андижон, Сирдарё ва Самарқанддан қўнғироқлар бўлиб, газетхонларимиз сафи ортаётгани маълум қилинди. Бугун эрта тонгда Бухоро билан гаплашдик.

«Тонг юлдузи» газетхонлари сафига яна 507 нафар обуначи қўшилди. Бу жараён ҳали давом этаяпти», — дейишди бизга. Май ойи бошида— сарҳисобда билинади вилоятдаги устозу мураббийларимизнинг қанчалик саъй-ҳаракатлари, шогирдларининг газетхонлиги учун қайғуришлари. «Уятга қолмаймиз».. деб бежиз ваъда беришмагандир ахир.

Зумрашадан хабарлар

ТЎПТЕПАРЛАР ШИКОЯТИ

Биз Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли мактаб ўқувчилари, шуни маълум қиламизки, тўп тепишимизга стадионимиз йўқ. Рапқон қишлоқ кенгаши оқсоқоллари, «Узбекистон» жамоа хўжалиги раҳбарлари мактабимизга стадион учун жой ажратиб беришга бир неча йилдан бери ваъда қиладилар-у амалда ҳеч нарса бўлмайди. Бизлар ҳам бошқа мактаблар ўқувчиларидек футбол, волейбол, баскетбол ўйинларини ўйнагимиз келади, аммо стадионимиз йўқлиги орзуимизнинг белига тепяпти.

Ҳурматли Зирапча! Ўзинг бу ишга аралашиб, уриниб кўр. Шояд, мактабимизга ер ажратиб беришса, ҳашар йўли билан стадион қуришни бошлаб юборардик.

Ўқувчилар шикоятини оққа кўчирувчи: Ўктам ДАДАБОЕВ.

Тушунтириш хати

Мактабга келмаганим сабаби шуки, грипп билан кўп курашдим. Охири бўлмади. Грипп мени ёмон йиқитди, ҳалигача ўрнимдан туролмаяпман.

* * *

«Ойнани сен синдиргансан» деб айтдингиз. Мен бу туҳматга чидолмайман. Буни фақат Вали курган, лекин у мендан қўрқади, сизга айтмаган, биламан. Ойна синдирганимни исботлашингизни талаб қиламан.

Муяссар БЎРОНОВА,
Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 46-мактаб.

Зирапча ҳандалари

Жуғрофия ўқитувчиси 5-синф ўқувчисидан сўради:

— Душанба қаерда жойлашган?

— Душанбами, душанба якшанба билан сешанба ўртасида жойлашган.

* * *

Икки қушнисининг жанжалини тинглаб турган ўғил онасидан сўради:

— Онажон, сиз ҳам қушнимизнинг совунига кир ювганмисиз?

* * *

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

— Нима сабабдан уйга берилган вазифани бир ой бажариб, бир ой бажармай келасан?

— Дадам бир ой уйда, бир ой командировкада бўладилар-да.

Сухробжон АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти,
Челак туманидаги
12-мактабнинг 5-синф
ўқувчиси.

Болалар! Андармон деган қишлоқда бир лофчи бола яшайди, уни ҳамма «Зумраша лофчи» деб чақиради. «Зирапча»га ана шу зумраша анчагина лофлар юборибди. Бугун у юборган лофлардан айримлари билан танишасиз.

Икки яшар укам бу йил мактабни аъло баҳолар билан битиради. У бу йил институтга имтиҳонсиз кирмоқчи.

Утган куни 5-синф ўқувчиси Азамат полвонни мактаб ҳовлисида чивин тепиб, йиқитиб юборибди.

Ўртоғим Асқарнинг бузоғини ҳовуздан чиққан қурбақача лиқ этказиб ютиб, сувга шўнғиди.

ЗУМРАШАДАН КЕЛГАН ЛОФЛАР

Қалин жундан тўқилган рўмолини Дилдора ювиб, дорга ёйиб қўйган экан, жиблажибон тумшуғи билан тишлаб, олиб қочибди.

Бўрибойнинг бурнига кечаси ухлаб ётганида сичқон кириб кетганмиш.

Қушнимизнинг «Қоплон» деган баҳайбат итини пашшалар талаб ўлдириб қўйишибди.

Уясига чўп суққани учун асаларилар Комилни қувлаган экан, у тешик мис тоғорани чалиб, ҳаммасини қайтариб юборганмиш.

Роҳила холанинг сумалак ундирмоқчи бўлган йигирма кило бўғдойини бир кечада чумолилар ташиб кетибди.

Алининг варраги ипини узиб, ой томонга учиб кетганмиш.

Ёш техниклар тўгараги қатнашчиси Бойхўроз велосипедига қанот ясаб, тоғда яшайдиган холасиникига учиб борибди.

ЛОҚАЙДЛИК



Қўявер, бир тўйиб олишсин...

Рассом: Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:
Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Мукимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0225.
11960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй